

**“Зукко китобхон ватандош” танловини ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ёш ватандошлар ўртасида “Зукко китобхон ватандош” халқаро танловини (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Танлов хорижда яшовчи ёш ватандошлар ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишга йўналтирилган.

3. Танловни ўтказишда “Ватандошлар” жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд) Ташқи ишлар вазирлиги ташкилий-амалий ишлар бўйича, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси илмий-ижодий ишлар бўйича ҳамкорлик қилади.

4. Хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган ўзини ватандош деб билган 5 синфдан 10 синфгача бўлган барча ёш ватандошлар Танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

5. Ташкилий ҳайъат аъзолари Танлов низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

II Танловнинг мақсад ва вазифалари

6. Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш, уларнинг нодир меросини, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш ватандошларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилади.

7. Танловни ташкил этиш орқали қуйидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилади:

– Ёш ватандошлар орасида ўзбек тилидаги асарлар ўқишга муҳит яратиш ҳамда китоб ўқишга бўлган қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, хорижда адабий муҳит шаклланишига эришиш;

– ёшлар онгида Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунча ва билим-кўникмаларини янада юксалтириш;
– қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш;

ёшларни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш.

III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, баҳолаш мезонлари

8. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш вазифаси “Ватандошлар” жамоат фондига юклатилади.

Фонд:

танловни ўтказиш борасида қарор қабул қилади;

экспертлар комиссияси ва ҳакамлар ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

адабиётлар рўйхатини тасдиқлайди;

танловнинг асосий босқичлари ва тартиб-қоидалари ҳақида иштирокчиларни хабардор қилади;

барча иштирокчилар учун тенг шароитларни яратади;

танлов ўтказиш борасида шаффофликни таъминлайди;

танлов иштирокчилари ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этади;

мазкур Низомга асосланган ҳолда танловни ўтказилишини ташкил этади.

9. Танловга иштирокчилар онлайн тарзда ариза топшириш орқали қабул қилинади. **(100 дан ортиқ ариза тушган ҳудуддаги иштирокчилар билан танловнинг иккинчи ва учунчи босқичлари офлайн тарзда ўтказилади)**

10. Танловда ёш ватандошлар ўзлари яшаётган ёки ўзлари ўқиётган (ишлаётган) муассасаси жойлашган давлатдан иштирок этади.

11. Танлов қуйидаги учта ёш (синф) тоифаси бўйича алоҳида-алоҳида тартибда ўтказилади:

5-6 синфлар ўртасида, 7-6 синфлар ўртасида ва 9-10 синфлар ўртасида

12. Танлов уч босқичда ташкил этилади.

Биринчи босқич танловнинг аризалар қабул қилиш босқичи бўлиб, унда танловда иштирок этиш истагини билдирган ёш ватандошлардан аризалар қабул қилинади ва иштирокчилар тест синови асосида сараланади.

Танловга аризалар биринчи босқич (хорижий давлатлар) бошланган кунга қадар онлайн қабул қилинади. Унда ариза топширган ёшлар илмий-оммабоп, ўзбек адабиётига, буюк адибларимиз ҳаёти ва ижодига оид 20 та тест саволларига жавоб беришади.

Ҳар бир тўғри жавоб учун 5 баллдан белгиланади. Тест натижаларига кўра ҳудудлар кесимида ҳар бир синф тоифаси бўйича энг юқори балл тўплаган 2 нафар иштирокчи кейинги (иккинчи) босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Иккинчи босқич танловнинг минтақавий босқичи бўлиб, унда иштирокчилар ўртасида онлайн суҳбат ташкил этилади. Суҳбатда илмий-оммабоп, ўзбек адабиётига, буюк адибларимиз ҳаёти ва ижодига оид 20 та саволларга жавоб беришади.

Ҳар бир тўғри жавоб учун 5 баллдан белгиланади. Суҳбат натижаларига кўра, давлатлар кесимида ҳар бир ёш тоифаси бўйича энг юқори балл тўплаган 1 нафар иштирокчи кейинги (учинчи) босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Учинчи босқич “Грант финал” танловнинг сўнгги босқичи бўлиб, Ўзбекистон Республикасида қуйидаги 3 та шарт асосида ўтказилади:

1- шарт: “Эркин мавзу” шarti.

Ушбу шартда Экспертлар комиссияси томонидан тавсия этилган адабиётлар асосида тузилган мавзуларга оғзаки жавоб бериш сўралади. Иштирокчи билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар саволларни экранда онлайн яширинган билетларни тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун вақт ажратилмайди, жавоб бериш учун 2 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

2-шарт: “Бадий асарлар билимдони” шarti.

Ушбу шартда Экспертлар комиссияси томонидан тавсия этилган ўзбек адабиётига оид китобларнинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамиятини иштирокчилардан шарҳлаб бериши сўралади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчи билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар бадий асар номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 2 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади. Асар номи тўғри топилганда 50 балл қўйилади (топилмаса 0 балл) ҳамда иштирокчига асар номини топаолмаса ҳам шарҳлаш имконияти берилади ва 50 баллгача баҳоланади.

3. шарт “Савол-жавоб” шarti

Ушбу шартда иштирокчиларга 5 тадан савол берилади. Ҳар-бир тўғри жавоб учун 20 балл берилади. Аксинча бўлса 0 балл. Ўйлаш учун вақт берилмайди 2 дақиқа ичида жавоб беришлари керак.

13. Танловлар жараёнида фойдаланиладиган саволлар ва тестлар мажмуаси Экспертлар комиссияси томонидан танловнинг барча босқичлари учун алоҳида

тузилади, махсус конвертларга солиниб, муҳрланади ҳамда онлайн тарзда жойлаш учун фақатгина бир нафар масъулга топширилади.

14. Танловнинг ҳар бир босқичида шоир-ёзувчилар, ўқитувчилар, журналистлар ва бошқа мутахассислардан иборат Ҳакамлар ҳайъатлари тузилади.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни баҳолашда уларнинг белгиланган китобларни ўқиганини текширади ҳамда моҳиятини тўғри тушунгани, тил қоидаларига амал қилиши, аниқ рақам ва таҳлилларга асосланиши, фикрини баён қилиш қобилиятини инобатга олади.

15. Танловнинг саралаш босқичи ўтадиган кундан камида бир ой олдин белгиланган китоблар рўйхати эълон қилинади ҳамда китоблар рўйхатини тузишда иштирокчиларнинг ёш тоифаси инобатга олинади.

16. Барча шартлар бўйича умумий баллар қўшиб ҳисобланганда энг юқори кўрсаткичга эришган иштирокчи танлов ғолиби деб топилади. Агар иштирокчилар ўртасида умумий тўпланган баллар тенг келиб қолган тақдирда, I, II ва III ўринларни тақсимлаш Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан ҳал этилади. Бунда баллари тенг келиб қолган иштирокчиларга қўшимча 5 тадан тест саволлари берилади. Шундан сўнг ҳам уларнинг жавоблари бир хил чиқса, бу жараён ғолиб аниқлангунга қадар давом этади.

17. Ҳакамлар ҳайъати томонидан қабул қилинган қарорга нисбатан қарор нусхаси берилган санадан бошлаб 3 кунлик муддат ичида манфаатдор шахс Фондга апелляция тартибида шикоят киритиш ҳуқуқига эга.

18. Фонд 10 кунлик муддат ичида мурожаатни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади ва қарор нусхасини мурожаат қилган шахсга юборади:

шикоятни қаноатлантиришни рад этиб, Ҳакамлар ҳайъатининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш;

шикоятни қаноатлантириб, Ҳакамлар ҳайъати қарорини қисман ёки бутунлай бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш.

19. Фонд апелляция тартибида шикоятни кўриб чиқиши баённома билан расмийлаштирилади.

20. Танловнинг энг сўнги якуний босқичи Тошкентда бўлиб ўтади.

Якуний босқичга ўткан иштирокчилар учун бериладиган китоблар рўйхати қайта шакллантирилади. Шу билан бирга Хориж ва Туркий адабиёт вакиллари ижодидан саволлар берилади.

Танлов эълон қилинганидан 20 кун мобайнида аризалар қабул қилинади.

Биринчи босқич жорий йилнинг июнь ойи иккинчи ўн кунлигига қадар ўтказилади.

Иккинчи босқич жорий йилнинг июль ойи иккинчи ўн кунлигига қадар ўтказилади.

IV. Ғолибларни тақдирлаш

20. Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланади:

Учта синф тоифасида 1-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ноутбук, телефон, ўзбек тилидаги энг сара адабиётлар жамланмаси, диплом билан;

учта синф тоифасида 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири телефон, ўзбек тилидаги энг сара адабиётлар жамланмаси, диплом билан;

учта синф тоифасида 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири планшет, ўзбек тилидаги энг сара адабиётлар жамланмаси, диплом билан тақдирланади.

V. Якуний қоидалар

21. Танловни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

“Ватандошлар” жамоат фонди маблағлари;

масъул ижрочиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаалар.

“ЗУККО КИТОБХОН” ТАНЛОВИ УЧУН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

T/r	Kitob nomi	Muallifi
5-6 сифлар учун адабиётлар		
1.	“Bola Alisher”	Oybek
2.	Meshpolvon jangga otlandi	Anvar Obidjon
3.	Oyguil bilan Baxtiyor	Hamid Olimjon
4.	Sariq devni minib	Xudoyberdi To‘xtaboyev
5.	“Shum bola”	G‘afur G‘ulom
6.	“Mumu” (1-esh toifasi)	Ivan Turgenov
7.	“Xalq bo‘l, elim” (to‘plam)	Muhammad Yusuf
8.		
9.		
10		
11		Redyard Kipling
7-8 sinflar uchun adabiyotlar		
1	Зулмат ичра нур	Mirkarim Osim
2	Birinchi muallim	Chingiz Aytmatov
3	“Robinzon Kruzoning sarguzashtlari”	Daniel Defo
4	“Kichkina shahzoda”	Antuan de-Sent Ekzyuperi
5	“Javohir” (qissa)	Jon Steynbek
6	“Ot kishnagan oqshom”	Tog‘ay Murod
7	“Tabassum” (she‘rlar)	Erkin Vohidov
8		
9-10 sinflar uchun adabiyotlar		
1	“O‘tkan kunlar”	Abdulla Qodiriy
2	“Ulug‘bek xazinasi”	Odil Yoqubov
3	“Puankare” (hikoya)	Abduqayum Yo‘ldoshev
4	“Bonu”	Iqbol Mirzo
5	“Navoiy”	Oybek
6	“Ko‘ngil ozodadur” (qissalar)	Xayriddin Sultonov
7	“Yillar armoni” (she‘rlar)	Abdulla Oripov